



Чоршанба

Маҳалла

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Соғувда эрини нарда

- 2 «Мўъжиза»ли маҳалла
- 3 Санобарнинг сири очилди.
- 4 Хиротни чиройли қилган Амир Алишер.
- Ўзи учун уддабурон оқсоқол
- Ўғрини тўтиқуш тутди
- Шароб хароб айлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу! Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизни ва барча юртдошларимизни улуғ айём Қурбон ҳайити муносабати билан диёримиздан келган ҳожилар номидан чин дилдан муборакбод этамиз.

Бизлар Маккаи муқаррамадаги муқаддас зиёратгоҳлар Қабан муаззама, Арафот, Мино ва Муздалифа водийларида бўлиб, ҳаж ибодатларини чин илҳос, имон-этиқод билан адо этар эканмиз, жонажон Ватанимиз истиқболи порлоқ, ҳаётимиз осуда, ризқимиз зиёда, Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган барча хайрли ишлар бардовом ва барокотли бўлишини Аллоҳ таолодан илтижо ила сўраб дуода бўлмоқдамиз.

Мустақиллик йилларида Сизнинг ташаббусингиз ва раҳнамолигингизда буюк алломаларимизнинг бебаҳо меросларига муносиб ҳурмат кўрсатилди, Ватанимиздан ҳаж сафарига борувчиларга кенг шароит яратиб берилди, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида эътироф этилди.

Мазкур соҳада амалга оширилаётган оқилона ва одилона сиёсатнинг тақомули ўлароқ Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада тақомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида муҳим тарихий воқеа, эл кўнглидаги айни муддао бўлди.

2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши азалдан бағрикенглик ва саховатпеша халқимизнинг янада мустаҳкам жиқлашиши, ўзаро меҳр-мурувват, хайр-эҳсон кўрсатиш фазилатларини намоён этишига кенг имконият яратди.

Фуратдан фойдаланиб, Аллоҳ таолодан Сиз мухтарам Президент Жанобларига эл-юрт равнақи йўлида амалга оширилган эзгу ишларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлиши, Ватанимиз оқибат, халқимиз фаровон, дастурхонимизга қўт-баракат ато этишини сўраб дуо қилиб қоламиз.

ЎЗБЕКИСТОН ҲОЖИЛАРИ
Маккаи Муқаррама, Арафот водийси,
2004 йил 31 январь

ҲОЖИЛАРИМИЗ СОҒ-САЛОМАТ

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, Саудия Арабистонида ҳаж мавсумида шайтонга тош отиш жараёнида Жамарот водийсида юзага келган тижқилинч оқибатда 244 киши ҳалок бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги элчихонаси ва ҳаж ишчи гуруҳи маълумотига кўра, қурбонлар орасида республикамиз фуқаролари йўқ.

ЎЗА

ЕТТБ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ ҲАА мухбири Н.ЎЛЖАБОВ. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бош қотиби Жонни Акерхольм раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Соҳиб Сафоев билан учрашди.

Ўзбекистон 1992 йил 30 апрелда ЕТТБ

аъзолигига қабул қилинган. 1993 йилдан пойтахтимизда мазкур ташкилот ваколатхонаси фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир мамлакатимиз ЕТТБнинг умумий қиймати 42 миллион ЭКЮга тенг 4200 акциясига эга.

Бугун Ўзбекистон - ЕТТБнинг энг фаол ҳамкорларидан бири. Хусусан, ҳозир мамлакатимизда ЕТТБ иштирокида умумий қиймати 1,4 миллиард долларлик 22 лойиҳа амалга оширилаётган,

яна 8 лойиҳа кўриб чиқилмоқда.

Музокарада томонлар Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этар экан, мамлакатимизнинг ушбу халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорлигига юқори баҳо берди. Бундай самарали ҳамкорлик Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.



ХУНАРМАНД

Дарахтнинг ҳам тили бор, мунис муסיқаси бор, дейдилар. Айниқса, унинг новдаларига жило берилса, кишига қанчалар манзур бўлишини ўйлаб кўринг-а. Қувалик таникли хунарманд Эргашали Мирзаевнинг кўллари ана шундай сирли ҳислатга эга, десак, муболага бўлмас. Унинг кўллари жило бераётган миллий ашёлар ҳаммага манзур бўлади.

Бугун Э.Мирзаевнинг 10 нафар шогирдлари бор.

Суратда: Марғилон миллий хунармандчилик уюшмаси аъзоси Эргашали Мирзаев.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Сайлов ва яқун

Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўзини ўзи бошқариш органлари - шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларига сайловлар бўлиб ўтди.

Демократик тамойилларга мос ҳолда ўтган бу тадбир фуқаролар йиғинларининг мавқеи тобора ошиб, маҳаллий халқ ҳокимияти сифатида шаклланаётганини кўрсатди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон ГАДОЙБОВЕВ билан мухбиримиз бу сайловларнинг яқунлари хусусида суҳбатлашди.

сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилиб, бу тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ комплекс режаларни тасдиқлади. Мамлакат парламентида худди шу режалар асосида сайловга ҳозир-

лаётганлиги сизни қизиқтирмайдими? Бу кишиларимизнинг бирон-бир шахсий манфаатлари асосида эмас, балки ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли интилиш эканлиги, айниқса, ибратлидир. Содда қилиб айт-

кеганлигининг ўзи кишиларимиз фаолиятини тасаввур қилишга имкон беради.

Бу сафарги сайловларнинг бундан икки ярим йил аввал бўлиб ўтган сайловлардан фарқи катта. Гап фақат ижобий кўрсаткичларнинг ўсишида эмас, балки унинг ортдаги ижтимоий моҳиятдадир. Масалан, бугун фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг 75,5 фоизи (2001 йили 73,2 фоиз эди) олий маълумотли. 49,1 фоизи ҳозир-гача турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган 50 ёшгача бўлган кишилардир. Бу кўрсаткичлар халқимизнинг, яъни йиғин раҳбарларига овоз берган сайловчиларнинг онгу шуури, тушуنчаси жамиятнинг тўғри англаш сари ўсиб бораётганидан далолат. Зотан, аҳоли оқсоқолнинг маълумоти, раҳбарлик лавозимида ишлаб олтирган тажрибаси эл-уруси билан ишлашда нақдлар зарурлигини сезаётгани биз учун катта ютуқдир. Энг қувончли томони, сайловлар янги жамиятда одамларимиздаги бефарқлик йўқолиб бораётганини кўрсатди.

ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИ - ЮТУҒИМИЗ

Кўнглимиздан кечган мулоҳазаларни кўп ва ҳўб гапиршишим мумкин. Аввало, шунини айтишим керакки, фуқаролар йиғинлари мустақиллик берган имкониятлар тўғрисида йил сайин тақомиллашиб, демократик тамойиллар шарт-шароитига мослаша олди. Айни пайтда у фақат маҳаллага ҳўс бўлган бе-назир хусусиятларини намоён этиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб бораётган тизимдир. Турри, маҳалла деган тушунча юртимизда кўп асрлик тарихга, теран илдизга эга, аммо унинг нафақат

мамлакатимиз, балки бутун дунё ақли қизиқшига сабаб бўлган даври мустақилликка эришган кўнглиримиздан бошланди. Зотан, унинг дунёда ўхшашин йўқ демократик бошқарув органи сифатидаги характери ҳам, долурғи ҳам айнан истиқлол тўғрисида, мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг бевоасита сўз-сўз билан айтганда, ҳаётий аҳамият касб этувчи органлар эканлигига ёрқин далилдир. Бу сайловлар олдидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига

лик кўриш ва уни ўтказишга қаратилган республика семинар-келатилиши ўтказилди. Шубҳасиз, Олий Мажлисининг бу тадбири бутун сайлов даврида ўз самарасини берди. Таъкидлаб ўтганимиздек, бу жуда катта тадбир бўлди. Қолаверса, бу сайлов оммани ўзига шу даражада жалб этиши сабаби, унинг ҳаётий аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради. Бир тасаввур қилиб кўринг: ўзингизга, ҳаётингизга, яшаш тарзингизга, ҳақ-хуқуқингизга дахлдор бўлган вазибаларни ким эгал-

анда: одамлар сайловларда кимнингдир илтимосига ёки қай-сидир таниши ё қариндошини қўллаш учун эмас, балки шу жамият ҳаётига ўзининг ҳам дахли борлигини ҳис қилган ҳолда чиқдилар. Фикримни қисқа қилиб айтсам кифоя деб ўйлайман. Яъни, ўйлаб, юзлаб жойларда аввал кўрсатилган номзодлар овоз ололмади, қайта сайловлар ўтказилди. Бундан ташқари, жойларда ҳар бир ўринга 5-6 тадан номзод турри

(Давоми 2-бетда)

ЎБУНА-2004

Mahalla

«Яна нима дейди?»
«Mahalla»га обуна бўлишга ҳеч қачон кеч эмас, - дейди.

Тошкентда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдаги роли ва унинг ёритилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган халқаро бўлиб-амалий конференция қилиб ўтди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, СУД ВА МАТБУОТ

Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари самараси ўлароқ, фуқароларнинг сулҳаро мунозаатлари кўпайибгина қолмай, ишонч ҳам ортаётган. Жиний ҳазорларнинг либераллаштирилиши, қонунчиликка тегишли узгартиришлар киритилгани, жумладан ярашув институтининг жорий этилгани кейинги пайтда 20 миридан ортиқ фуқарони сулҳанишдан асради.

Судларда адолат тамойилини қўчайтириш борасида ошқоралиқни таъминлаш, хусусан, суд ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги борасида ҳам мамлакатимизда та-

ри борасида кенг ҳамкорлик қилияптиз. Бундай самарали ҳамкорлик мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва демократияни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатуви» хиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилоқ, 32-уй

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масыул қотиб: 136-53-75. Хатлар қотиби: 136-57-62.

Муассасаси: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви. «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Мурувват — инсоний фазилат

Қорақалпоғистон Республикаси

«ЭНГ МУРУВВАТЛИ ҚЎШНИ»

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шу номда танлов эълон қилди. 2004 - Меҳр ва мурувват йилида миллатлараро тинч-тотувликни янада мустаҳкамлаш, меҳр-оқибатлик, инсонийлик, дўстлик, ёрдамга муҳтож одамларга ҳар томонлама кўмак кўрсатишни янада кенг қулоқ ёйдирини асосий мақсад қилиб олган мазкур танлов икки босқичда ўтказилади.

Унинг биринчи босқичи Наврўз байрамида, иккинчиси эса Руза ойида яқунланади. Танловнинг бориши маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритилади.

Фолибларга танлов ташкилотчилари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчиҳоналар, хорижий ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши совгалари топирилади.

БОЛАЛАРНИНГ ҚАЛБИ ШОДЛИККА ТЎЛДИ

Ажнийез номидаги Нукус педагогика институти қошидаги академик лицей маъмурияти, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити кўнлирида хайрият ва савобли юмушни амалга оширидилар.

Лицей жамоаси вакилларидан катта бир гуруҳи Хужайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйига ташриф буюришти. Утган асрининг 20-йилларида Ҳамаза Ҳакимзода Ниёзий ташаббус билан ташкил топган бу даргоҳ тарбияланувчиларнинг яшаш ва ўқиш шароитлари билан танишишти. Лицейдан келган вакиллар Меҳрибонлик уйига аудио видеотехникалар, бошқа қўллаб-қувватлаш совгалари, кийим-кечаклар, кутубхонага ҳар хил адабиётлар ҳадя қилишти. Ўз навбатида тарбияланувчилар ҳам меҳмонларга ранг-баранг концерт дастурини намоён қилишти.

Қизиқарили учрашувдан меҳрға ташна болажонларнинг қалблири шодликларга тўлди.

А.ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри.

«ABROR»НИНГ САХОВАТИ

Мирзо Улуғбек тумани 8-Бўз маҳалласи худудида жойлашган Қўрлар жамиятининг ҳар бир аъзоси маҳалла аҳлининг меҳр-мурувватини қалбдан ҳис қилиб яшайди.

Туман ҳокимининг ташаббуси билан маҳалла фаоллари ҳамда шу худуддаги «Abror» хусусий савдо-тижорат корхонаси ҳомийлигида жамият аъзоларига меҳр ва мурувват кўрсатиш тадбири бўлиб ўтди.

«Abror» кафесида жамият аъзолари учун тўқин дастурхон ёзилди, бадий томоша уюштирилди, уларга совғасаломлар улашилди.

Мухбиримиз.

МЕТАЛЛУРГЛАР МУРУВВАТИ

Яқинда Ўзметкомбинат АИБ ҳамда ушбу корхона касоба уюшмаси шахримиздаги эҳтиёманд оилалар фарзандларининг 600 нафарига 2 миллион 700 сўмлик турли совға ва тўғфалар топширидилар.

Меҳр ва мурувват йилидаги бундай эзгу иш учун Ўзметкомбинат АИБ бош директори А.Фармонов ва касоба уюшмаси раиси М.Холиқуллова шахримиздаги кўп болали ва кам таъминланган оилалар номидан миннатдорчилик билдиради. Комбинатнинг 60 йиллик тўғин арафасида кўрсатилган ушбу саховат намунасини, аминимизки, ҳамшаҳарларимиз умрбод унутмайди.

Мухиддин ҚАЮМОВ,
Бекобод шаҳри А.Икромов номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ИЗЛАБ

Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғинида мурувватга муҳтож кишилар рўйхатга олиниб, уларга ҳомийлар бириктирилди.

Улуғ шоримизнинг номи билан аталувчи бу маҳаллада Меҳр ва мурувват йилида ана шундай ибратли ишлар амалга оширилапти. Эҳтиёманд оилаларнинг фарзандларини уқув қўроллари билан таъминлашни маҳалладаги тадбиркорлар ўз зиммасига олган. Байрам кўнлирида эҳтиёманд оилаларга совға-саломлар улаштириш аниҳанага айланган. Жумладан, Қурбон ҳайити муносабати билан бундай тадбирлар салмоғи кўпайди. Маҳалла фаоллари белгиланган хондонларга ташриф буюриб, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бердилар.

Бизнинг Меҳр ва мурувват йилида амалга оширижақ эзгу ишларимиз бисёр. - дейди маҳалла оқсоқоли Ф.Бобомуродов. - Нуруний отакон ва онахонлар зиёратгоҳларга олиб борилади, ишсизлар маҳалла худудидаги корхоналарга жойлаштирилади, ишга жалб қилинади. Амнияти тўғрисида овоз этилганларга маънавий ва моддий ёрдам берилди.

Бу ишларни амалга оширишда кенг жамоатчилик, айниқса маҳалла фаолларидан А.Расулов, Р.Салҳамедовлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Эҳтиёманд оилаларга ўндан ортиқ тадбиркорлар моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатаётган. Улар ўтган 2003 йилда 80 нафар нуруний отакон ва онахонларни ўз ҳисобларидан зиёратгоҳларга олиб борган эдилар. Жорий йилда ҳам бу аниҳана давом эттириш кўзда тутилган.

Парлабий ТОЖИБОВЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Оқсокол ҶАҲОМИ

БАДМАСТ МУСИЧА

(масал)

Меҳмонларга тўла Зағизон ини, Нишонларга — бугун туғилган кунни. Мусичага келди "Тост" айтмоқ гали...

Ҳисса: — Мусичани айлади хароб, Меъридан ортиқ ичилган шароб...

Зиркала ОХУН, Қашқадарь вилотины Косон шахар Лозазор маҳалласи маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

9 февраль — буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллуд тоған кун

Қоғазмас Жаҳон нифа ману, китми Фақат қолғуси яхши ному иши...

асрлар давомида йиғилган тажрибани мукамал ўзлаштирган, ижодий фикрга эга бўлган ажойиб устала...

шоирнинг замондоши, таниқли шоир Мавлоно Биноий ўзининг Навоийга бағишлаган ёзган қасида...


ҳовуз, 16 та кўприк, 8 та ҳаммом, кўпгина масжид, мадраса, кутубхона, дорихона, мақбараларни бир...

«Хирот» деб айтгин. Сен бу жаҳонни бир денгиз, Хуросони эса ундаги садаф ва Хирот шахрини эса бу садаф ичидаги гавҳар деб билгин...

«МУНЧА БИНОЙИ ХАЙРКИМ»

ёки Алишер Навоий қурган "Ихлосия", "Шифоия", "Унсия"лар

Алишер Навоий ўз ҳаёти ва ижодий мероси билан жаҳон маданиятининг энг эътиборли даҳлари қаторида туради...



қаторда таниқли меъмор ва эди. У кўпал ўлмас асарлар ёзиш билан бирга, мамлакатнинг ободончилигига ҳам катта қизиқиш билан қаради...

Атрофта қарар эканман, улғу шоир Ақсезган кўчаларни, таълим олган мадрасани ҳаёлимда жонлантирдим...

«Кўрагимдир субҳинг пираҳанидин чокроқ, Киприким шабнам тўқилган сабзидан намнокроқ...»

Ҳар бир сатри олтинга тенг ижод намунаси долибул илм Алишернинг ҳам кўнглини асир айлади...

«Фақат қолғуси яхши ному иши...» Навоий - Хирот меъмори. Инжил атрофи обод эди. «...Садаф ичидаги Гавҳар...»

Инжил ариғи ёқасида улкан қурилиш ишлари тезда бошланиб кетди. Юк арвалари, филлар, туялар тўхтовсиз қатнаб...

тида энг юқори нуфузга эга бўлган, ушбу байтларни қўлга киритди.

СЎЗ ҚАДРИ

Олам сайёҳларининг меҳроби бўлган Самарқанд шахрининг Регистон майдонига борар эканман, фазал мулкнинг султони Алишер Навоийнинг ҳаёти билан боғлиқ бир ривоятни эсладим.

сайқал бериб давом эттириб, фазал яратди. Бу фазал асрлар оша шеърят шинавандаларини асир этди келяпти.

муносабати билан бу сўзларни ёзишимизга сабаб аждоларимиз сўзга нақадар масъу...

Мухаммад Бобур Хиротда эканлигида Навоийнинг меъморчилик ва боғ-истироҳатчилик бобидаги эътиборли ишларини кўриб: «Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам қилиш мундоққа муваффақ бўлиши бўлмай!» — деб таърифлайди.

Алишер Навоий фикрича, бинонинг нафақат турар жой вазифасини бажарувчи иншоот, балки ўзининг ташқи ва ички кўриниши билан кишига завқ бағишловчи санъат асари ҳам бўлиши керак.

Навоий ўзи қурдирган биноларни шайхона номлар билан атаган. Мадраса ва хонақоҳга «Ихлосия», шифоҳона ва ҳаммомга «Шифоия», кутубхона ва шоирнинг яшаш учун қурилган уй-жойларга «Унсия» деб ном қўйилган.

«Агар сендан бирор киши, шаҳарлар ичиде энг яхшиси қайси?» — деб сўраса-ю сен унга тўғри жавоб бериши истасанг,

Хиротдаги энг ажойиб иморатлардандир. Заҳрирдин Бобур ўзининг «Бобурнома»сида Хирот тўғрисида ёзар экан, бутун дунёда бундай обод шахарни кўрмаганлигини айтиди.

Улғу шоирнинг «Меъморчилик санъати бобидаги бой билими, унинг ташаббуси билан дунёга келган катта-кичик иншоотлар, йирик меъморчилик ансамбллари, буларнинг ҳаммаси Навоийнинг етук меъмор ҳам бўлганидан дарак беради...

Бу буюк бунёдкор бобомиз томонидан бизга қолдирган ўлмас ва бебаҳо меъморий ёдгорликларнинг бир қисминдир, холос.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ



МУНАЖЖИМАТ МАБУРИ

КҮЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда ўз устингизга ишласангиз, кўп нарсаларни ўзлаштиришингиз мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)

Максалга сари интилиш, эътиқодли ва матонатли бўлиш бобида яқин кунларда сизга тенг келадиган киши топиладими. Сиздан ўрнатилган оқсалоқлар арзийди.

ЭПТАКЛАР(22.05-21.06)

Кейинги пайтда сизни чулган кўнглингизни қайтариш керакликлар барҳам топади.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Шу кунларда байрақ-шижоатингиз ортади, муҳим масалаларни кераклик қилиш орқали муваффақиятга ҳал этасиз.

АРСЛОН(23.07-22.08)

Айрим кишиларнинг сизни тушуномаслиги оқибатида кичкина муаммолар туғилиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Тартиб-интизомни жойига қўйишингиз натижасида кўп нарсаларга эришасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Нима ишга қўл урманг, ушбу кунларда омад сизга қулиб боқадди.

ЧАЕН (23.10-22.11)

Сизга нодустана муносабатида бўлувчиларнинг кўпчилиги қарамай, шундай муҳитга ҳам ўз режаларингизни амалга ошира оласиз.

УКОТАР (23.11-21.12)

Турли одатдан ташқари кўнглин очар талбирлар, ҳаттоки хавфли бўлишига қарамастан сизга ушбу тортади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Сиз учун турли сафарлар, саёҳатларга бориш учун қўлай кунлар уқунашмоқда.

КОВРА (20.01-18.02)

Ўз саловатингизни сиз қилиб боришингиз мумкин бўлган барча жабҳаларга наноён этишга қодирсиз.

БАЛИК(19.02-20.03)

Яқинларингиз, дўстларингиз билан муносабатларингиз янгидан бошлангиз мумкин.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамаармаси республика бошқаруви жамаарманинг етакчи мухассаси Алишер Юнусовга онахаси

Турмуш чорраҳаларига...

САКСОНДА ҲАМ ҲАЛОВАТСИЗ

ёки Ёлғизликни енгиб яшаётган отахон ҳақида

...Шаҳар дехқон бозори олдидаги бекатда машина кутиб ўтирдим. Машиналарнинг бири келиб, бири кетиб турибди.

— Анови Дамас шахар ҳаммомига борадими, ўғлим? — Қаерга, отахон? — Ҳаммом бор-ку, кир ювиб берадиган жойи керак эди.

лаб турди-да, кейин яна давом этди. — Бир қизим, Тошкент томонга тушган. Бола-чақали. Ҳар замонда бир келди.

ажойиб томонлари бўлади-да... Сайрати, ишбилармонлиги, суҳбатчи, ширинсуханлиги, ҳаракатини кўриб, саксондан ошгани ҳаёлингизга ҳам келмайди.

«Mahalla» газетасининг илк сонидан тортиб 2001 йилнинг 31 декабр кунлик сонигача бўлган тўнқ сақланган тақлимини келиштирилган нархда СOTИБ ОЛАМАН.



кетди. Худди анови, бекатга қўниб ўтган «Дамас»лардай унга неча йиллар йўлдош бўлиб, фаранглар ато этиб, оқ ювиб, оқ тараб, охири фарзанд донига чидай олмаган умр йўлдоши ҳам ўтиб кетди...

Анвармурод ЖУМАҚҮЛИЕВ

Огобнома

КАЛОМЖИМЕТ АВВАЛИ...

Инсонийликнинг юксак фазилат ва хислатлари ичиде энг улғу саломлашиш маданияти бўлиб, у шунчалар кучли сеҳрга эгаки, ҳатто «оғтоб ҳам саломдан бошлар қўлини»...

Саломни эслан қиришиш, унга алик олишда кечиккиш, саломга баҳиллик қилиш, саломлашишнинг самимий ва юракдан бўлмаслиги, ёшнинг катта кичиклигидан қатъий назар, кишидаги одоб-сизлик, ҳурматсизлик ва яхши тарбия кўрмаганликни аңлатилади.

Юриб кетаётган отлик ўтирганларга, юриб кетаётган кишига салом берсаю ва саломга алик олса, уша одамга саломни эслатганилик даражада савоб ёзилар экан.

ЭЪЛОН

«Marvel Juice Co» ОАО ИИ объявляет о выпуске кооперативных облигаций, проспект эмиссии зарегистрирован ЦККОРЦБ при ГКИ 26.01.04 за номером P0667.

Mahalla logo and contact information: Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати: Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САЙДОВ, Нияматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Абдунаби МАННОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҚУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БҮРИЕВ, Навбатчи: Фаррух БҮТАЕВ, Саҳифаловчи: Фаррух РАСҮЛОВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75